

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**БАЗАРОВ ЗАКИР ХОНҚУЛОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЙ СУҒУРТАЛАШ АМАЛИЁТИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

УДК: 368.911.5(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Базаров Закир Хонқулович**

Ўзбекистонда тиббий суғурталаш амалиётини такомиллаштириш .....3

**Базаров Закир Хонқулович**

Совершенствование практики медицинского страхования в Узбекистане .....27

**Bazarov Zakir Khonqulovich**

Improving of health insurance practice in Uzbekistan .....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**БАЗАРОВ ЗАКИР ХОНҚУЛОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЙ СУҒУРТАЛАШ АМАЛИЁТИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафадоктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt472 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «Ziyouet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Бурханов Ақтам Усманович  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Жўраев Абдугаффор Сафарович  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор  
Алларова Фаллядия Амануллович  
иктисодиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD)

**Этапчи ташкилот:** Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт  
университетининг Тошкент шаҳридаги филиали

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 16.02 куни соат 19 дақиқасида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz)

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (197 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «09» 02 куни тарқатилди.  
(2021 йил «09» 02 дақиқасида 9-рақамли реестр баённомаси).



**Т.З.Тешабас**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Каламдарова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD)

**И.И.Қўшев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тараққиётида аҳоли саломатлиги мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг энг муҳим омилларидан ва жамиятнинг меҳнат унумдорлигининг ажралмас элементларидан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунё аҳолисининг деярли ярми энг керакли тиббий хизматлар билан тўлиқ қамраб олинмаган. «930 миллиондан ортиқ аҳоли ёхуд дунё аҳолисининг 12 фоизи даромадларининг камида 10 фоизини соғлиқни сақлаш харажатларига сарфлашади»<sup>1</sup>. Технологик тараққиёт тиббиётдаги оғриқли масалаларни ҳал қилаётган бўлса-да, кўплаб давлатларда носоғлом яшаш тарзи миллионлаб одамлар ҳаётини қийинлаштирмоқда. Шунинг оптимал ечимлардан бири, мажбурий тиббий суғуртани жорий қилишдир. Бунда молиявий бақувват бўлмаган аҳолининг барча қатлами ҳам тўлиқ тиббий хизмат билан қамраб олинади. Тиббий суғурта шундай имкониятки, у нафақат аҳоли саломатлигини кафолатлайди, балки тиббиётдаги оғриқли масалалар (тиббиёт муассасалари моддий-техник базаси, коррупция, бюрократизм, навбатда туриш, кадрлар тақчиллиги ва бошқалар) ни ҳам ижобий томонга ўзгартира олади.

Халқаро амалиётда тиббий суғуртани такомиллаштириш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Натижада, «ривожланган 33 та давлатдан 32 тасида умумий мажбурий тиббий суғурта тизими жорий қилинган бўлиб, уларда мажбурий тиббий суғуртадан бирини қўллаш»<sup>2</sup> белгиланган. Лекин тадқиқотларда ихтиёрий тиббий суғурта бўйича базавий тарифларнинг ҳисоблаш тартиби, суғурта шартномаларида суғурта қопламаларини тўлашни оптималлаштириш масалалари етарлича очиб берилмаган. Булардан ташқари бугунги кунда бепул тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат кафолатлари тизими кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва ҳажми бўйича аҳолининг барча эҳтиёжларини қондира олмайдиган ҳолат мавжудлиги бу борада илмий ечимини топиш керак бўлган муаммолар долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш тизимининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатда ушбу жараён 2021 йилдан жорий этиш бошланади ва биринчи навбатда, йирик ташкилотларда мажбурий суғурта таъминланади. Аввало, мажбурий тиббий суғурта жамғармасини ташкил этилади. Соғлиқни сақлаш хизматлари учун барча ресурслар (даромад манбаларидан қатъий назар)ни тақсимлашда тенглик ва самарадорлик максимал даражада ҳисобга олинади. Мажбурий тиббий суғуртанинг ҳаётга татбиқ этилиши тиббиётда анча йиллардан бери тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этади, яъни унга кўра, энг катта муаммолардан бири – коррупциоген ҳаракатлар камаяди. Суғурта полиси

<sup>1</sup> [https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/universal-health-coverage-\(uhc\)](https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/universal-health-coverage-(uhc))

<sup>2</sup> <https://truecostblog.com/2009/08/09/countries-with-universal-healthcare-by-date/>

билан келган беморга шифокорлар ҳар қачонгидан кўра сифатлироқ хизмат кўрсатишади, чунки у ўзи билан маблағ олиб келяпти, яъни суғурта компаниялари тиббий хизмат ҳақини тўлаб беришади. Айтиш мумкинки тиббий суғуртани жорий этиш ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислох қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4890-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги 780-сон «Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 31 декабрдаги 1060-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тиббий суғурта хизматларининг иқтисодий характерини ўрганиш, тиббий суғурта хизматларини шаклланиши, тарихи ва иқтисодий мазмуни бўйича фикрлар ва мулоҳазалар, назарий, амалий ва услубий жиҳатлари юзасидан бир қатор хорижий олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Улар жумласига В.Д.Роик, S. Woolhandler, D.U. Himmelstein, D.Erlangga, M.Suhrcke, S.Ali, K.Bloor, Y.Xie, U.A.Valdimarsdóttir, C.Wang, X.Zhong, Q.Gou, H.Zheng, D.Lu, Y.L.Park, R.Canaway, D.Maurya, M.Mintrom, L.Kullberg, P.Blomqvist, U.Winblad, S.Zhao, X.Zhang, W.Dai, Y.Ding, J.Chen, P.Fang, О.И. Русакова, С.В. Шойко, Н.Н. Абашин, М.Н.Евсевлеева, Р.М.Аскар, Н.Г. С.В. Шишкин, И.М. Шейман, Е.Г. Потапчик, О.Ф. Понкратоваларни<sup>3</sup> киритиш мумкин. Мазкур иқтисодчи олимлар томонидан

<sup>3</sup> Роик В.Д. Медицинское страхование. Страхование от несчастных случаев на производстве и временной утраты трудоспособности: учебник для бакалавриата и магистратуры / В.Д.Роик. –3-е изд. и доп. – М.:Издательство Юрайт, 2018. – 317 с.; Woolhandler, S., & Himmelstein, D. U. (2020). Intersecting U.S. Epidemics: COVID-19 and Lack of Health Insurance. *Annals of Internal Medicine*. doi:10.7326/m20-1491.; Erlangga, D., Suhrcke, M., Ali, S., & Bloor, K. (2019). Correction: The impact of public health insurance on health care utilisation, financial protection and health status in low- and middle-income countries: A systematic review. *PLOS ONE*, 14(11), e0225237.; Xie, Y., Valdimarsdóttir, U. A., Wang, C., Zhong, X., Gou, Q., Zheng, H., Lu, D.

тиббий суғурта жараёнлари тадқиқ этилган бўлсада, уларнинг таҳлилий хулосалари етарлича тадқиқ қилинмаган.

Республикамиз иқтисодчи олимлари Т.С. Маликов, О.О. Олимжонов, А.В. Ваҳобов, А.С. Жўраев, А. Ваҳобов, Н. Жумаев, У. Бурханов, Х.М. Шеннаев, Т.М. Баймуратов, И. Абдурахмонов, М. Абдураимова, Н. Абдуллаева, А.С. Нуруллаев, Қ.М. Қўлдошев, Г.Т. Халикулова, И.Ф. Кенжаев, Н.Мавруловалар<sup>4</sup> тиббий суғурта хизматлари ва уларни такомиллаштиришнинг баъзи йўналишларини таҳлил қилишган.

Мамлакатимиз олимларининг ишларида тиббий суғурта хизматларини ривожлантириш, тиббий суғуртанинг назарий жиҳатлари, тиббий суғуртанинг амалий таҳлили етарли даражада тадқиқ этилмаган. Умумий суғурта бозорининг инфратузилмаси, ташкилий-ҳуқуқий шаклини таҳлил қилиш ва суғурта фаолиятини мамлакат миқёсидаги таҳлили билан чегараланади. Инновацион йўналишда ривожланаётган суғурта бозорида тиббий суғурта хизматлари ва уларни такомиллаштириш масалалари етарли даражада ёритилмаган. Бу эса, ушбу мавзунини янада тадқиқ этиш зарурлигини англатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг №ОТ-Ф1-54 «Ўзбекистонда суғурта фаолиятини модернизация қилишнинг самарали йўналишларини шакллантиришнинг фундаментал асослари» мавзусидаги давлат гранти доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тиббий суғурталаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

---

(2020). Public health insurance and cancer-specific mortality risk among patients with breast cancer: a prospective cohort study in China. *International Journal of Cancer*. doi:10.1002/ijc.33183.; Park, Y. L., & Canaway, R. (2018). Integrating Traditional and Complementary Medicine with National Healthcare Systems for Universal Health Coverage in Asia and the Western Pacific. *Health Systems & Reform*, 5(1), 24–31.; Maurya, D., & Mintrom, M. (2019). Policy entrepreneurs as catalysts of broad system change: the case of social health insurance adoption in India. *Journal of Asian Public Policy*, 1–17.; Kullberg, L., Blomqvist, P., & Winblad, U. (2019). Health insurance for the healthy?—Voluntary health insurance in Sweden. *Health Policy*.; Zhao, S., Zhang, X., Dai, W., Ding, Y., Chen, J., & Fang, P. (2019). Effect of the catastrophic medical insurance on household catastrophic health expenditure: evidence from China. *Gaceta Sanitaria*.; Русакова О.И., Шойко С.В., Абашин Н.Н., Евсевлева М.Н., Махтина Ю.Б. Учеб.пособие. - Иркутское медицинское издательство, 2003. С. 33-34.; Шишкин С.В., Шейман И.М., Потапчик Е.Г., Понкратова О.Ф. Анализ состояния страховой медицины в России и перспектив ее развития / Москва-2019. – 10 с.

<sup>4</sup> Malikov T.S., Olimjonov.O.O. Moliya. Darslik – Т.: Iqtisod-Moliya, 2019. – 800 б.; Vaxabov A.V., Jo‘rayev A.S. Soliqlar va soliqa tortish. Oliy o‘quv yurtlari talabarlari uchun darslik – Т.: Iqtisod-Moliya, 2018, – 408 б.; Ваҳобов А., Жумаев Н., Бурханов У. Халқаро молия муносабатлари. Дарслик – Т.: Шарқ, 2003. – 400 б.; Шеннаев Х.М. Суғурта агентлари учун қўлланма. – Т.: infoCOM.UZMЧЖ, 2010. – 206 б.; Баймуратов Т.М. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. Автореф. дисс. ... и.ф.н. – Т., 2004 й. – 25 б.; Абдурахмонов И.Х. Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш. Автореф. дисс. ... и.ф.н. – Т., 2010 й. – 26 б.; Нуруллаев А.С. Ўзбекистонда фермер ва деҳқон хўжалиklarини суғурталаш масалалари. Автореф. дисс. ... и.ф.н. – Т.; 2007 й. – 28 б.; Қўлдошев Қ.М. Суғурта бозори. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия-иқтисод., 2011. – 65 б.; Халикулова Г.Т. Суғурта тизими ва уни амал қилиш механизмини такомиллаштириш. Автореф. дисс. ... PhD. – Т., 2019 й. – 29 б.; Кенжаев Ғ.И. Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари. Автореф. дисс. ... PhD. – Т., 2018 й. – 19 б.; Маврулова Н.А. Суғурта компанияларининг молиявий баркарорлигини таъминлашда қайта суғуртанинг ролини ошириш. Автореф. дисс. ... PhD. – Т., 2019 й. – 23 б.

суғурта хизматлари бозорида тиббий суғуртанинг аҳамиятини ва тиббий суғуртани ташкил этишининг асосий тамойилларини тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикасида суғурта хизматлари бозорининг ривожланиш кўрсаткичлари ва тиббий суғурталаш амалиётини таҳлил қилиш;

ихтиёрий тиббий суғуртанинг индивидуал рискни баҳолашнинг базавий тарифини ҳисоблаш асосидаги тиббий суғуртадаги рискларни камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

суғурта ташкилотларда суғурта шартномаларини тузиш ва суғурта қопламаларини тўлашда молиявий зарарларни йўл қўймасликнинг ҳисоблаш тартибини оптималлаштириш бўйича тавсиялар бериш;

иқтисодий самарада йўналтирилган кўрсаткичларни қўллаш орқали тиббий суғурта тизимини баҳолашнинг илмий ва амалий жиҳатлар асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

туристларни комплекс тиббий суғурталаш ва чет элга чиқаётган фуқароларни суғурталаш амалиётини жорий қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

тиббий суғурта амалиётида замонавий талабларга мос равишда тиббий суғурта хизматлари бозорида рақамли технологиялардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда тиббий суғурта тизими ҳамда уни амалга ошириш билан боғлиқ фаолият олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тиббий суғурталаш амалиётини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда таққослаш, анализ ва синтез, тарихий ва мантикий ёндашув, монографик кузатув, график каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ихтиёрий тиббий суғуртанинг индивидуал рискни баҳолашнинг базавий таърифини ҳисоблаш асосида тиббий суғуртадаги мавжуд рискларни камайтириш асосланган;

суғурта ташкилотида харажатларни камайтириш ва суғурта қопламаларини иқтисод қилишда фирибгарликни аниқлаш ва молиявий йўқотишларни ҳисоблаш механизми таклиф этилган;

тежамкорлик, самарадорлик ва натижавийлик кўрсаткичларини қўллаш асосида тиббий суғурта тизимини баҳолаш кетма-кетлиги таклиф этилган;

суғурталанувчилар тиббий маълумотлари асосида туристларни комплекс тиббий суғурталаш андеррайтинги фаолият самарадорлигини ошириш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тиббий суғуртада суғуртанинг мажбурийлиги, фойдаланиш бемалоллиги ва эквивалентлиги тамойилларининг тавсифи очиб берилган;

тиббий суғурта тури бўйича янги суғурта тариф ставкаси мезонларига аниқлик киритилган;



суғурта ташкилоти томонидан суғурта шартномаларини тузиш тартиби соддалаштирилган;

хорижий суғурталовчиларнинг амалий фаолиятини тадқиқ этиш асосида тиббий суғурта амалиётида замонавий талабларга мос равишда тиббий суғуртани рақамлаштириш жараёни очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** маълумотларнинг расмий манбалардан, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, суғурта бозори профессионал иштирокчилари ва суғурта фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, суғурта ташкилотларининг молиявий ҳисоботлари ва расмий эълон қилинган маълумотлари, хорижий ва мамлакат олимларнинг ишланмалари ва эксперт баҳолари, интернет тармоғида тақдим этилган расмий маълумотлардан фойдаланилганлиги, тадқиқотда қўлланилган усул ва ёндашувларнинг мақсадга мувофиқлиги, ҳамда хулоса ва таклифларнинг тегишли суғурта ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тиббий суғурталаш амалиётини такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда, мазкур йўналишдаги фаолиятни баҳолашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларнинг суғурта ташкилотлари фаолиятига татбиқ этилиши, суғурта ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган тиббий суғурталаш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда тиббий суғурталаш амалиётини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ихтиёрий тиббий суғуртанинг индивидуал рискни баҳолашнинг базавий таърифини ҳисоблаш асосида тиббий суғуртадаги мавжуд рискларни камайтириш бўйича таклифи «ALSKOM» суғурта компанияси акциядорлик жамияти томонидан суғурта суммасини ҳисоблашда фойдаланилган («ALSKOM» суғурта компанияси акциядорлик жамиятининг 2020 йил 22 июлдаги 04-845-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида тиббий суғурта тури бўйича суғурта тариф ставкаси мезонлари аниқланган ва суғурта ташкилоти томонидан суғурта шартномаларини тузиш соддалаштирилган. Натижада, компания томонидан тузилган суғурта шартномаларининг сони 151 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 431 фоизга ёки 116 тага ошиши таъминланган;

суғурта ташкилотида харажатларни камайтириш ва суғурта қопламаларини иқтисод қилишда фирибгарликни аниқлаш ва молиявий йўқотишларни ҳисоблаш бўйича таклифи «ALSKOM» суғурта компанияси акциядорлик жамияти томонидан суғурта қопламаларини тўлашда фойдаланилган («ALSKOM» суғурта компанияси акциядорлик жамиятининг 2020 йил 22 июлдаги 04-845-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «ALSKOM» суғурта компанияси

акциядорлик жамиятининг харажатлари камайишига, суғурта қопламаларини иқтисод қилишга эришилган. Натижада, компания томонидан суғурта қопламалари 1 374 694,34 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 52,8 фоизга ёки 1 226 366,83 минг сўмга камайиши таъминланган;

тежамкорлик, самарадорлик ва натижавийлик кўрсаткичларини қўллаш асосида тиббий суғурта тизимини баҳолаш кетма-кетлиги бўйича таклифи «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» АЖ суғурта компанияси томонидан суғурта шартномаларини расмийлаштиришда фойдаланилган («KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» АЖ суғурта компаниясининг 2020 йил 23 июлдаги 03-18/2000-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» АЖ томонидан инобатга олинган ҳолда иш ташкил этилиши натижасида компания томонидан туристлар билан комплекс тиббий суғурта бўйича тузилган шартномалари сони 1865 тага етиб, 2019 йилда ушбу суғурта тури бўйича йиғилган суғурта мукофотлари миқдори 2,3 млрд. сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 136,0 фоизга ошиши таъминланган;

суғурталанувчилар тиббий маълумотлари асосида туристларни комплекс тиббий суғурталаш андеррайтинги фаолият самарадорлигини ошириш бўйича таклифи «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» АЖ суғурта компанияси томонидан суғурта хизматларини ташкил этишда фойдаланилган («KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» АЖ суғурта компаниясининг 2020 йил 23 июлдаги 03-18/2000-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида туристларни комплекс тиббий суғурталаш ва чет элга чиқаётган фуқароларни суғурталаш бўйича суғурта тариф ставкаси мезонлари аниқланган ва суғурта ташкилоти томонидан суғурта шартномаларини тузиш соддалаштирилган. Натижада, компания томонидан тузилган суғурта шартномалар сони 29240 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 182,0 фоизга ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 6 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан муҳокамадан ўтказилган ва таклифлар ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 116 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Тиббий суғуртани ташкил этишнинг ижтимоий-иқтисодий асослари ва моҳияти**» деб номланган бўлиб, тиббий суғуртанинг иқтисодий моҳиятини ташкил этишнинг асосий тамойиллари, тиббий суғурта бозорини татбиқ этишнинг методологик асослари, тиббий суғуртани ривожлантиришнинг хориж тажрибаси ва уни мамлакатимизда татбиқ этиш имкониятларини ўрганиш каби масалалар ёритилган. Тиббий суғурта тизими амал қилишининг асосий шarti суғурта хизматларига бўлган талабнинг мавжудлиги ва суғурталовчилар бу талабни қондириш имкониятига эга бўлишлари билан тавсифланади.

Тиббий суғуртада имкониятлар яратиладики, у нафақат аҳоли қатлами саломатлигини кафолатлайди, балки тиббиёт соҳасидаги оғриқли масалалар (тиббиёт муассасалари моддий-техник базаси, бюрократизм, коррупция, кадрлар тақчиллиги, навбатда туриш ва ҳоказо)ни ҳам ижобий томонга ўзгартиришга замин яратади.

Тиббий суғурта муносабатларини ривожлантириш замонавий иқтисодий тизимлар фаолиятини олиб боришда стратегик муҳим вазифа ҳисобланади. Барқарор тиббий суғурта тизими аҳоли саломатлигига бўлган эътиборни кучайтириб, миллий иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантиради.

Замонавий иқтисодий адабиётларда кўплаб тадқиқотлар тиббий суғурта бозори ривожланишининг миқдорий кўрсаткичлари ва тиббий суғурта муносабатларини тартибга солиш усулларини таҳлил қилиш билан боғлиқ. Тиббий суғурта тизимини тадқиқ қилиш масалаларига бағишланган тадқиқотлар ичида хорижий муаллифларнинг «тиббий суғурта» атамасининг талқинларига алоҳида эътибор бериш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунга келиб, «ихтиёрий тиббий суғурта» ва «мажбурий тиббий суғурта» атамалари тобора кўп адабиётларда учрамоқда. Олиб борилган таҳлиллар натижаси «тиббий суғурта»нинг иқтисодий моҳиятини ўрганишнинг учта асосий йўналишини аниқлаш имкониятларини очиб беради.

Биринчи йўналишда тиббий суғурта Фёдорова Т.А., Махтина Ю.Б., Русакова О.И., Шойко С.В., Абашин Н.Н., Евсевлеева М.Н., Лупей Н.А., Степанова С.В.ларнинг хулосасига кўра, тиббий суғурта тизими бўйича икки томонлама қараладиган ёндашув кўп тарқалган: бир томондан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлат тизимининг элементи сифатида, бошқа томондан

соғлиқни сақлашни молиялаштириш ва тиббий хизматларни тўлаш учун пул маблағларини таъминлашнинг молиявий механизми сифатида шакллантириш<sup>5</sup>.

Фикримизча, юқоридаги хулосага кўра, тиббий суғуртанинг ҳам, умуман, суғуртанинг ҳам моҳиятини очиб бериш ёндашувлардан бирини яққол акс эттиради: у суғурта фаолиятини суғурталанган шахсларнинг (аҳолининг) манфаатларини ҳимоя қилиш усули (шакли) сифатида кўриб чиқади.

Иккинчи йўналиш тиббий суғурта тизимини суғурта муносабатларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий шакли сифатида кўриб чиқади, бу қонунчилик базасини шакллантириш, суғурта фаолияти устидан давлат назоратини ташкил этиш, ўзини-ўзи бошқариш жараёнларини ривожлантиришни назарда тутаяди (Эрмасов С.В. ва Эрмасова Н.Б.). Тиббий суғурта корхоналар, маҳаллий ҳокимият органлари, фуқароларнинг бадаллари ҳисобига мақсадли жамғармаларни шакллантириш ва улардан аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни молиялаштириш учун фойдаланишни таъминлайдиган ихтиёрий тиббий суғуртанинг тармоғи сифатида таърифланади<sup>6</sup>.

Учинчи йўналиш тиббий суғуртани соғлиқни сақлаш соҳасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш шакли сифатида кўриб чиқади (Сахирова Н.П., Гвозденко А.А.). Ушбу тавсиф суғурта тизимининг хусусиятларини мулкӣй ва жавобгарлик суғурта турлари бўйича суғурта ташкилоти томонидан олинган мажбурият ва рискни тақсимлашни акс эттиради.

Шундай қилиб, тиббий суғурта тизимини тадқиқ этишда юқорида келтирилган учта йўналиш ҳам тиббий суғурта тизимини назарий жиҳатдан қисман акс эттиради.

Амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, тиббий суғурта турли хусусиятларининг гуруҳларга жамланиши унинг кўп қиррали эканлигини таъкидлайди, бунда у қуйидагиларни акс эттиради: 1) тиббий суғурта муносабатларининг ижтимоий аҳамияти; 2) аҳоли томонидан тиббий ёрдам олиншидаги роли; 3) соғлиқни сақлаш жараёнини молиялаштиришдаги аҳамияти.

Тиббий суғурта тизими суғурта ташкилотлари ва суғурталанувчи ўртасида қонун ҳужжатларида тартибга солинадиган иқтисодий муносабатларнинг бир тури бўлиб, у муайян ҳодисалар (суғурта ҳодисалари) бўлган ҳолларда суғурталанувчиларнинг мулкӣй манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий механизмдир. Тиббий суғуртани кенгрок талқин қиладиган бўлсак, ижтимоий, шу жумладан, пенсия суғуртаси, узок муддатли жамғариш функциясига эга суғурта турлари, шунингдек, ўзаро суғурта қилишни назарда тутаяди. Ўзбекистонда тиббий суғурта тизимини тартибга солишда асосий қонуний ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 52-боби ва 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган

<sup>5</sup> Федоровой Т.А. Страхование. Учебник. / под ред. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Экономистъ, 2005. С. 340.; Махтина Ю.Б. Некоторые подходы к определению сущности ОМС. // Страхование дело. 2003. № 2. С. 19.; Русакова О.И., Шойко СВ., Абашин Н.Н., Евсевлеева М.Н., Махтина Ю.Б. Медицинское страхование:/ Учеб.пособие. Иркутское медицинское издательство, 2003. С. 33-34.; Лупей Н.А., Степанова СВ. Социальное страхование в России: состояние и проблемы. // Финансовый менеджмент. 2002. № 5. С. 138.

<sup>6</sup> Эрмасов СВ., Эрмасова Н.Б. Страхование. Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. С. 356.

Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонуни ҳисобланади. Ушбу қонуний ҳужжатларда тиббий суғуртага таъриф берилмаган.


Тиббий суғуртанинг объекти ва предметини таърифлаш тиббий суғуртада суғурта ҳодисаси тушунчаси билан узвий боғлиқ. Одатда, тиббий суғурта объекти ва предмети суғурта ҳодисасининг келиб чиқиши мумкинлигини англатади. Тиббий суғурталашнинг объекти сифатида суғурталанган шахсларнинг тиббий хизматни олиш учун харажатлар билан боғлиқ бўлган мулкӣ манфаатларини кўриб чиқиш олинган, замонавий иқтисодий адабиётда тиббий суғуртани уларни тушунишга оид энг кўп тарқалган илмий тадқиқотларда кўриб чиқдик.

Республикада тиббий суғуртанинг илмий-назарий асосини ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур деб ҳисоблаймиз:

тиббий суғуртада предмет, объект ва суғурта ҳодисасини аниқлаш;  
тиббий суғурталашнинг функцияларини белгилаш.

Тиббий суғуртанинг объекти ва предметини кўриб чиқишда мажбурий ва ихтиёрий тиббий суғурта турлари бўйича муаллифларнинг фикрларини таҳлил қиламиз, чунки тиббий суғуртанинг объекти ва предметини бевосита ажратиш иқтисодий адабиётларда аниқ кўрсатилмаган.

«Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида»ги қонун лойиҳасида мажбурий тиббий суғурта жамғармасини ташкил этиш белгиланган. Шунингдек, қонун лойиҳасида мажбурий тиббий суғурта тамойиллари келтириб ўтилган (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда мажбурий тиббий суғурта тамойиллари<sup>7</sup>

Ўзбекистон фуқаролари, бу ерда доимий яшовчи хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек, кириш «инвестиция визаси» олган хорижий инвесторлар, уларнинг ота-оналари, турмуш ўртоқлари ва фарзандлари мажбурий тиббий суғурталанишлари лозим бўлади.

Республикада мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий


<sup>7</sup> Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҚХТБТ порталида «Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида»ги қонун лойиҳаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

этиш мақсадида жорий йилдан тизимнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатимизда ушбу тизимни 2021 йилдан жорий этиш бошланади ва биринчи навбатда, йирик ташкилотларда мажбурий суғурта таъминланади.

Тиббий суғуртанинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш нуқтаи назаридан тиббий суғуртанинг бир нечта гуруҳлари тавсифланади. Тиббий суғурта амалиётини такомиллаштиришда оммавий ахборот воситалари орқали мажбурий ва ихтиёрий тиббий суғурта бўйича билимларни кенгайтириш, иқтисодчи олимлар томонидан илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган ва тегишли илмий-назарий ёндашувларни очиб берадиган муайян жиҳатларга қаратилган.

Мажбурий тиббий суғурта биринчи бўлиб «Сирдарё вилоятида 2020 йилдан бошлаб «даволанган ҳолат» учун тиббий хизматлар тўлови механизми ва «жон боши нормативи» асосида молиялаштириш тизими методологиясини, шунингдек, 2021 йилдан бошлаб мажбурий тиббий суғурта тизимини тажриба-синов тарзида жорий этишни назарда тутган<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори назарда тутилган.

Биринчи босқич 2021 йилда Сирдарё вилоятида ўтказилиши; иккинчи босқич 2023 йилдан Қорақалпоғистон, Тошкент, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида; учинчи босқич 2025 йилдан эса бутун мамлакат бўйлаб жорий этилиш назарда тутилган (2-расм).



**2-расм. Мажбурий тиббий суғуртанинг йиллар кесимида қамраб олиш динамикаси<sup>9</sup>**

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида 2-расмда ҳудудларда аҳолини тиббий суғурта билан қамраб олиш динамикасини ўрганиб чиқдик. 2021 йилда Сирдарё вилоятида мажбурий

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сонли қарори. 2019 йил 2 август.

<sup>9</sup>[https://www.norma.uz/nhh\\_loyihalari/majburiy\\_tibbiy\\_sugurta\\_uch\\_bosqichda\\_joriy\\_etiladi](https://www.norma.uz/nhh_loyihalari/majburiy_tibbiy_sugurta_uch_bosqichda_joriy_etiladi) сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

тиббий суғурта қамрови 2,5 %ни, 2023 йилда Қорақалпоғистон, Тошкент, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида 50 % ни ҳамда 2025 йилга келиб, 100 % мажбурий тиббий суғурта билан қамраб олиши назарда тутилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, 2025 йилга келиб, мажбурий тиббий суғурта мамлакатимизнинг барча ҳудудларига етиб боради. Аҳолининг ўртача ёш даражаси ҳам бир неча поғонага ошди.

2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни молиялаштириш стратегияси лойиҳасида мажбурий тиббий суғуртани жорий этишда тиббий суғуртада кутилаётган натижалар ҳолатини кўриб чиқдик (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Тиббий суғуртада кутилаётган натижалар ҳолати<sup>10</sup>

Фуқаролар учун	Жамият ва давлат учун	Тиббий хизматни етказиб берувчилар учун
тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконияти даражаси ва сифатини оширади	аҳолини тиббий ёрдам билан ҳар томонлама қамраб олади	тиббий хизматлар етказиб берувчининг самарали фаолиятдан келиб чиқиб, барқарор молиялаштириш
давлат томонидан кафолатланган ягона тиббий хизматлар ҳажмининг беморлар ҳақ тўлаши назарда тутилган хизматлардан аниқ ажратилиши, фуқароларнинг тиббий хизматларига эҳтиёжини ўз вақтида ва сифатли қондиришга йўналтирилган соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш	соғлиқни сақлаш харажатларини оптималлаштириш, тиббий хизматлар тури етказиб берувчилар томонидан такрорланишини бартараф этиш, ресурслардан фойдаланиш нуқтаи назаридан соғлиқни сақлаш тизимининг очиқ-ошкоралиги	янги корпоратив бошқарув усулларини жорий этишни рағбатлантириш ва соғлиқни сақлаш тизимига қўшимча ресурсларни жалб қилиш
саломатликни мустаҳкамлаш ва ўртача умр кўриш давомийлигини ошириш	тиббий хизматлар ҳажми, таъминоти сифатини ошириш ва уларни молиялаштиришга имкон берувчи молиявий, барқарор тизимни шакллантириш	мазкур соҳада соғлом рақобатни ривожлантириш учун шароит яратиш
тиббий хизматлар учун норасмий тўловлар даражасини камайтириш	Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат ва фуқароларнинг соғлиги жавобгарлигини таъминлаш	

Ўзбекистон мажбурий тиббий суғурта тизимини, унинг афзал томонлари ва камчиликларини янада аниқроқ тасаввур этиш учун, аввало, мазкур турдаги суғурталашни амалга ошириш бўйича хорижий тажрибага мурожаат этайлик. Бунда шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, у ёки бу мамлакатдаги

<sup>10</sup> [https://www.norma.uz/nhh\\_loyihalari/majburiy\\_tibbiy\\_sugurta\\_uch\\_bosqichda\\_joriy\\_etiladi](https://www.norma.uz/nhh_loyihalari/majburiy_tibbiy_sugurta_uch_bosqichda_joriy_etiladi) сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

тиббий суғуртанинг кўп жиҳатдан соғлиқни сақлаш тизими қандайлигига, бошқача айтганда, унинг пулли, бепул ёки уйғунлашган ҳолда эканлигига боғлиқ<sup>11</sup>.

Диссертациянинг «Ўзбекистон суғурта хизматлари бозорида тиббий суғурталаш амалиётининг таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш кўрсаткичлари таҳлили, мамлакатимизда тиббий суғурталаш амалиётининг таҳлили ва унинг ўзига хос хусусиятлари, тиббий суғуртанинг базавий тарифларини ҳисоблаш тартиби ишлаб чиқилган. Бундан ташқари «Kafolat sug'urta kompaniyasi» АЖ, «Kapital sug'urta» АЖ ва «ALSKOM» АЖ суғурта компанияларининг ушбу йўналишдаги фаолияти натижалари қиёсий таққосланган ва баҳоланган.

Тиббий суғурта механизмининг амал қилиши суғурта муносабатлари иштирокчиларининг макро, мезо ва микродаражадаги ўзаро муносабатлари жараёнидир. Ушбу механизм ўз ичига суғурталашни амалга ошириш йўллари, усуллари ва воситаларини олади. Ўзбекистон ихтиёрий тиббий суғурта бозорида амалга оширилган суғурта тўловларининг йиғилган суғурта мукофотларига нисбатан улушини кўриб чиқамиз (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Ўзбекистон ихтиёрий тиббий суғурта бозорида амалга оширилган суғурта тўловларининг йиғилган суғурта мукофотларига нисбатан улуши<sup>12</sup>**

Йиллар	Суғурта мукофотлари (млрд.сўм)	Суғурта тўловлари (млрд.сўм)	Суғурта тўловларининг суғурта мукофотларига нисбатан улуши (%да)	Олдинги йилга нисбатан ўсиш (+) ёки камайиш (-) (%да)
2015	8,7	6,7	76,9	60,0
2016	9,3	7,3	77,7	0,7
2017	18,0	10,7	59,3	-18,4
2018	19,5	11,4	58,4	-0,9
2019	23,9	15,4	64,5	6,1

Жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон тиббий суғурта бозорида амалга оширилган суғурта тўловларининг йиғилган суғурта мукофотларига нисбатан улуши 2019 йилга келиб, 2018 йилга нисбатан 6,1 фоизга ўсганлигини кўришимиз мумкин. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, йиғилган суғурта мукофотларининг ярмидан кўпи, суғурта қопламалари тўлаб берилган.

Мамлакатимизда тиббий суғурта улушлари жуда ҳам кам бўлиб, Ўзбекистон суғурта бозорида амалга оширилган суғурта тўловлари ҳамда

<sup>11</sup> [https://www.norma.uz/nhh\\_loyihalari/majburiy\\_tibbiy\\_sugurta\\_uch\\_bosqichda\\_joriy\\_etiladi](https://www.norma.uz/nhh_loyihalari/majburiy_tibbiy_sugurta_uch_bosqichda_joriy_etiladi) асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.




суғурта мукофотларига нисбатан ихтиёрий тиббий суғурта тўловлари ҳамда суғурта мукофотларига улушини 3-расмда кўришимиз мумкин.



Ўзбекистон суғурта бозорида амалга оширилган суғурта тўловларини 100 фоиз, деб қарайдиган бўлсак, жами йиғилган суғурта мукофотларининг атиги 1,0 фоизи ихтиёрий тиббий суғурта мукофотларига, 1,9 фоизи эса ихтиёрий тиббий суғурта тўловларига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткични жуда ҳам паст, деб баҳолашимиз мумкин.

Мамлакатимизда ихтиёрий тиббий суғурта бўйича амалга оширилган суғурта тўловлари қоплаб берилганлигини кўришимиз мумкин (4-расм).



<sup>13</sup> [www.mf.uz](http://www.mf.uz) Ўзбекистон Республика Молия вазирлиги сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Суғурта шартномалари бўйича ўз мижозлари олдида қабул қилинган мажбуриятларни вақтида бажариш суғурта компанияларининг устувор масалаларидан бири ҳисобланади. Жумладан, мамлакатимиздаги суғурта компаниялари томонидан 2019 йилда тиббий суғурта бўйича 15,4 млрд. сўмдан ортиқ суғурта қопламалари амалга оширилди, бу эса 2018 йилда амалга оширилган суғурта тўловларига нисбатан 135,1 %га кўпроқ деганидир. Суғурта даъволарини кўриб чиқиш муддатлари қисқартирилиб, 2 кундан 15 кунгачани ташкил этмоқда.

Биз илмий ишларимизда таҳлил қилаётган «Kafolat sug‘urta kompaniyasi» АЖ, «ALSKOM» АЖ ва «Kapital sug‘urta» АЖ суғурта компаниялари мисолида ҳам суғурта тўловларининг динамикасини илмий ишимизда кўриб чиқамиз (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### «Kafolat sug‘urta kompaniyasi» АЖ, «ALSKOM» АЖ ва «Kapital sug‘urta» АЖ суғурта компаниялари мисолида суғурта тўловлари динамикаси (млрд. сўм)<sup>15</sup>

Суғурта компаниялари номлари	Йиллар					2015 йилга нисбатан 2019 йилда ўсиши
	2015	2016	2017	2018	2019	
«Kafolat sug‘urta kompaniyasi» АЖ	0,29	1,05	1,07	2,17	2,05	714,1 %
«Alskom» АЖ	1,01	1,23	3,80	2,60	1,37	136,0 %
«Kapital sug‘urta» АЖ	-	0,33	0,73	0,80	0,65	195,0 %

«Kafolat sug‘urta kompaniyasi» АЖ маълумотларини кўрадиган бўлсак, 2019 йилда суғурта тўловлари 2018 йилга нисбатан 94,5 фоизга тушган. «Alskom» АЖда 2019 йилда компания суғурта қопламалари 1,37 млрд. сўм миқдорни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 52,8 фоизга ёки 1,2 млрд. сўмга камайган. «Kapital sug‘urta» АЖ суғурта компаниясида эса тиббий суғурта қилиш 2016 йилдан амалга ошириб борилган, 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 81,3 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин. Суғурта компаниялари томонидан харажатлар камайишига, суғурта қопламаларини иқтисод қилишга эришилди.

Тиббий суғурта ижтимоий йўналтирилганлиги сабабли ушбу суғурта турини амалга оширувчи суғурта ташкилотлари учун молиявий барқарорлик ва тўлов қобилиятига оид кўшимча талаблар кўшилади.

Тиббий суғурта бўйича йиғилган мукофотларни суғурта компаниялари мисолида ҳам кўришимиз мумкин (4-жадвал).

<sup>15</sup> «Kafolat sug‘urta kompaniyasi» АЖ, «Kapital sug‘urta» АЖ ва «ALSKOM» АЖ суғурта компанияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

**«Kafolat sug'urta kompaniyasi» АЖ, «ALSKOM» АЖ ва «Kapital sug'urta» АЖ суғурта компанияларида йиғилган тиббий суғурта мукофотлари динамикаси (млрд. сўм)<sup>16</sup>**

Суғурта компаниялари номлари	Йиллар					2015 йилга нисбатан 2019 йилда ўсиши
	2015	2016	2017	2018	2019	
«Kafolat sug'urta kompaniyasi» АЖ	0,32	1,56	0,65	1,99	2,31	674,9%
«Alskom» АЖ	0,85	1,32	3,55	1,61	0,95	111,7%
«Kapital sug'urta» АЖ	-	0,35	0,75	0,66	0,45	130,3%

«KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» АЖ томонидан инобатга олинган ҳолда иш ташкил этилиши натижасида компания томонидан ихтиёрий тиббий суғурта бўйича тузилган шартномалар сони ортиб, 2019 йилда ушбу суғурта тури бўйича йиғилган суғурта мукофотлари миқдори 2,3 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 136,0 фоизга ошган. «Kapital Sug'urta» АЖ суғурта компанияси эса тиббий суғурта билан 2016 йилдан фаолият олиб бориб, 2019 йилга келиб, 130,3 фоизга ўсган.

Суғурта ҳодисаси суғурталанган шахснинг соғлиғи тўсатдан бузилиши бўлиб, суғурта дастурида кўзда тутилган тиббий хизматларни кўрсатишни талаб қилади ва натижада суғурталанган шахс тиббий муассасага мурожаат қилади.

Суғурта тарифларининг базавий ҳисоб-китоби ҳар бир ихтиёрий тиббий суғурта дастури учун алоҳида ихтиёрий тиббий суғурта бўйича ўртача (базавий) суғурта тарифларини (брутто-ставкаларни) ҳисоблашни ўз ичига олади. Ихтиёрий тиббий суғурта дастурлари тоифасига ва суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли ҳамда ўртача суғурта тўлови миқдорига таъсир этувчи бошқа омилларга қараб суғурта ставкаларини аниқлаштириш учун тузатувчи коэффицентлар қўлланилади.

Бир оиланинг ихтиёрий тиббий суғурта маҳсулотини сотиб олиш тартибини қуйида кўриб ўтамыз.

Ушбу дастурга биноан психо-неврологик, наркологик, сил касаллиги, дерматовенерологик диспансерларда рўйхатдан ўтган шахслар; биринчи ва иккинчи (ишламайдиган) гуруҳ ногиронлари, болалиқдан ногиронлар; ОИВ билан касалланган ва ОИТС билан касалланганлар, шунингдек, 1 ёшгача ва 70 ёшдан ошган шахслар суғурта қилинмайди.

Суғурта қиймати суғурта суммасининг 20 фоизини (базавий ставка) ташкил этади ва суғурта полисига киритилган ҳар бир оила аъзоси учун

<sup>16</sup>«Kafolat sug'urta kompaniyasi» АЖ, «Kapital sug'urta» АЖ ва «ALSKOM» АЖ суғурта компанияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

кўшимча 500 000 сўм суғурта мукофоти тўланади. Шу билан бирга, суғурта миқдори ҳар бир суғурталанган шахс учун 2 000 000 сўмга кўпаяди.

Масалан:

Сизнинг оилангиз 4 кишидан иборат: суғурталанган шахслар, турмуш ўртоғи, иккита бола. Оила 6 000 000 сўмлик тиббий хизматдан фойдаланиши мумкин бўлган дастлабки суғурта маҳсулоти миқдорини танлайди. Кейин суғурта нархи қуйидагича ҳисобланади:

Нархи = 6 000 000 x 20 % + 3 x 500 000 = 1 200 000 + 1 500 000 = 2 700 000 сўм.

Бундай ҳолда, оила касалликларга даволаниш ишониши мумкин бўлган миқдори 6 000 000 + (3 x 2 000 000) = 12 миллион сўмни ташкил қилади. Яъни бир йил давомида тинчлик учун атиги 2 700 000 сўм тўлаб, керак бўлса, 12 000 000 сўмгача даволанишингиз мумкин.

Маълумотлардан шуни кўришимиз мумкинки, бир оиланинг ихтиёрий тиббий суғуртани ҳисоблаш базаси кўрсатиб ўтилган. Бундан шуни кўриш мумкинки, оила аъзолари сони кўп бўлса, суғурта мукофоти кам бўлади ҳамда суғурта суммаси эса ортиб боради. Ўртача суғурта мукофоти суғурта суммасининг 23 % ни ташкил этади.

Суғурта компанияларида суғурта шартномаларни кўпайтириш мақсадида суғурта хизматлари оммабоплиги ва сифатини ошириш бўйича бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таҳлил қиланаётган суғурта компанияларининг тузилган суғурта шартномалари сонини кўриб чиқамиз (5-жадвал).

#### 5-жадвал

